

Тарк қилинса, қон вожиб бўлмайдиган вожиб амаллар



14:55 / 09.05.2025 1456

Ҳажнинг вожиботлари кўп бўлиб, у борада олимлар ихтилоф қилишган. Лекин рожиҳ ва саҳиҳ қавлга биноан ҳажнинг вожиби деб саналган бир неча амаллар бўлиб, уни тарк қилган кишига қон вожиб бўлмайди. Ўша амаллардан бештасини қуйида зикр қиламиз:

1. Муздалифа йўлида шом билан хуфтон намозларини ўқимаслик вожиб: Муздалифа йўлида шом ва хуфтон намозларини ўқимай, Муздалифага етиб келгандан кейин иккисини жам қилиб ўқиш вожибдир. Шунинг учун ким Муздалифа йўлида шом билан хуфтон намозларини ўқиб қўйса, Муздалифага етиб келгандан кейин иккисини қайтадан ўқиш унга вожиб бўлади. Лекин ўша кишининг зиммасига қон ҳам, садақаи фитр ҳам вожиб бўлмайди, балки қаттиқ гуноҳкор бўлади.
2. Тавофдан кейин икки ракат намоз ўқиш: тавофни тўлиқ тугатгандан кейин икки ракат тавоф намозини ўқиш вожибдир. Агар адо қилмаса, вожибни тарк қилгани учун гунокор бўлади. Лекин жарима сифатида бирор нарса вожиб бўлиши борасида олимлар ихтилоф қилишган. Улардан баъзилари «қон (жонлиқ сўйиш) вожиб бўлади», деган бўлишса, қолганлари «қон вожиб бўлмайди», деб таъкидлашган. Шунинг учун бу намозни Ҳарам ҳудудида адо қилиш суннатдир, вожиб эмас. Агар ватанига қайтиб боргандан кейин адо қилса ҳам зиммадаги вожиб адо бўлади. Шунинг учун уни тарк қилган кишининг зиммасига қурбонлик вожиб

бўлмайди. Мана шу саҳиҳ ва рожиҳ қавлдир.

3. Саъй қилишни Сафо тепалигидан бошлаш: саъй қилишни Сафо тепалигидан бошлашни баъзи олимлар вожиб дейишган. Баъзилар эса, уни суннат деган. Лекин саъй қилишни Сафо тепалигидан бошламаслик билан барчанинг наздида зиммасига қон вожиб бўлмайди. Саъйни Марва тепалигидан бошлаган кишининг қайтадан Сафо тепалигидан саъйни бошлаши лозим бўлади ва жаримасига ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар қайтармаса, садақаи фитр лозим бўлади.

4. Тавофни ўнг томондан бошлаш: тавофни бошлашда чап ёнини Каъбатуллоҳ тарафга қилган ҳолда ўнг қўл томондан тавоф қилишга киришиш вожибдир. Бу амални баъзилар фарз ва яна баъзилар суннат, деган. Фиқҳ китобларида ёзилишича, «Тавофни ўнг тарафдан бошлаш саҳиҳ қавлга биноан вожибдир. «Роддул мухтор»да: «Бу нарсани жумҳур сароҳатан айтган», дейилган. Бир қавлда уни суннат дейилса, бошқа бир қавлда фарз дейилган».

5. Тавофни ҳажарул-асваддан бошлаш: Ҳажарул-асваддан тавофни бошлашни «Дуррул мухтор» соҳиби вожиб деган. Ушбу амални фарз, шарт ва суннат деганлар ҳам бор. Лекин саҳиҳига кўра, вожибдир. Аммо уни тарк қилган кишининг зиммасига қурбонлик қилиш вожиб бўлмайди.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 06 февралдаги 02-07/ 588-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.